

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2025 йил ноябрь ойининг 28 куни, жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман суди, суд биносида очик суд мажлисида, видеоконференция алоқа режимида, шу суд раиси З.Рахимовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Н.Патиддиновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шаҳрихон туман прокурори ёрдамчиси Ғ.Якубов, жабрланувчи Ж.Анваров ва унинг вакили адвокат Б.Бакиров, судланувчи И.Абдулазизов ва унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокат И.Юлчиев, Д.Улуғбековларнинг иштирокида, Абдулазизов Илхомжон Акрамжон ўғлига оид 1-1716-2501/286-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Абдулазизов Илхомжон Акрамжон ўғли (Abdulazizov Ixomjon Akramjon o'g'li), 1999 йил 12 сентябрда Асака шаҳрида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти олий, уйланмаган, судланмаган, Шаҳрихон туман ИИБ ТҚХ ЖҚБ тезкор вакили лавозимида ишлаган, Асака тумани, “Бобур” маҳалла, Карвонсарой кўчаси, 132-уйда яшаган, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибида 2025 йил 28 июль куни ушланиб, шу суднинг 2025 йил 29 июлдаги ажримида асосан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 19 октябрда олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари, 206-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов ва суд жараёнида тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб, уларга холисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг фикрларини ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи И.Абдулазизов 2022 йил 1 сентябрдан 2025 йил 3 мартга қадар Шаҳрихон тумани ИИБ ТҚХ ЖҚБ тезкор вакили лавозимида ишлаб келгани ҳолда, ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2024 йил 24 сентябрь куни Шаҳрихон туман ИИБ хузуридаги Тергов бўлинмаси иш юритувидаги 032301/2024-180АУ-сонли жиноят ишида гумонланаётган фуқаро Ж.Анваровга тегишли “Iphone 15 Pro” русумли телефон аппаратида номига расмийлаштирилган “Hamkorbank” томонидан берилган 8600 1204 8378 3208 рақамли, +99894 142-77-77 телефон рақамига боғланган банк пластик картасини



Ўзининг “Android HONOR ALI NX1” номли телефон аппаратига ўрнатилган “Payme” иловасига боғлаб, қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимига кириб, ушбу илова орқали ушбу пластик картадаги жами 18.446.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини яширин равишда талон-торож қилиб, ўғрилиқ қилган.

И.Абдулазизов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этган.

И.Абдулазизовнинг айби дастлабки тергов даврида тўпланган ва суд жараёнида текширилган қуйидаги далиллар мажмуи билан тасдиқланди.

Судланувчи И.Абдулазизов айбига тўлиқ иқроор бўлиб, Ж.Анваровга тегишли бўлган жами 18.446.000 сўм пул маблағларини унинг номига расмийлаштирилган “Hamkorbank” томонидан берилган 8600 1204 8378 3208 рақамли, +99894-142-77-77 телефон рақамига боғланган банк пластик картасидан ўзига тегишли +99895 233-00-12 телефон рақамига 75.000 сўм, 4790 9200 1462 6092 рақамли пластик картасига 2.000.000 сўм, 400.000 сўм, О.Махмудовнинг пластик картасига 30.000 сўм, А.Якубовнинг пластик картасига 500.000 сўм, 600.000 сўм, 500.000 сўм, 500.000 сўм, 600.000 сўм, 1.000.000 сўм, 1.000.000 сўм, 2.500.000 сўм, 500.000 сўм, 500.000 сўм, Н.Абдувоҳидовнинг пластик картасига 1.570.000 сўм, Т.Юлдашевнинг 6262 пластик картасига 1.300.000 сўм, Д.Нумоновнинг пластик картасига 400.000 сўм, Ш.Олимованинг пластик картасига 40.000 сўм, Д.Юлчиевнинг 9860 1801 0619 6959 рақамли пластик картасига 200.000 сўм, 250.000 сўм, Ё.Носировнинг пластик картасига 60.000 сўм, З.Ахматовнинг пластик картасига 900.000 сўм, М.Хамдамжоновнинг пластик картасига 520.000 сўм, А.Сотволдиевнинг телефон рақамига 50.000 сўм, У.Юлдашевнинг пластик картасига 2.251.000 сўм, Ҳ.Қодированинг пластик картасига 200.000 сўм, жами 18.446.000 сўм пул маблағларини ўтказиб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборгани, жабрланувчи бўлган Ж.Анваров бошқа бир жиноят иши яъни, Шаҳрихон туманида фаолият кўрсатган жиноий гуруҳ “Мокрий” номли гуруҳнинг ташкилотчиси сифатида айбланувчи деб топилиб, суднинг ҳукмига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосига судлангани, ушбу иш доирасида Шаҳрихон тумани ИИБ биносида Ж.Анваров ва унинг шериклари олиб қирилган вақтда уларга нисбатан ҳеч қандай қийноқлар содир этилмагани, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, ўзига тегишли хулоса чиқариб олгани, Ж.Анваровга етказилган зарарни Андижон вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига тўлагани ва зарарнинг ўрни тўлиқ қоплангани, суддан енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи Ж.Анваров судда видеоконференция алоқа режимида, 2000 йилларда отам П.Рўзиматов ва оиласи томонидан ташкил этилган сут маҳсулотлари қайта ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи “Шаҳрихон милк” МЧЖда у ҳам фаолиятига ёрдам бериб ишлаб келгани, унга ва бошқаларга нисбатан кўзғатилган жиноят иши доирасида унга ЖКнинг 103-моддаси 2-қисми “в” банди, 138-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари, 165-моддаси 3-қисми “в” банди, 168-моддаси 4-қисми “а,в” бандлари,



242-моддаси 1-қисми билан айблов эълон қилиниб, жиноят иши мазмунан кўриб чиқишлик учун ЖИБ Андижон вилояти судига юборилгани, ЖИБ Булоқбоши тумани суди томонидан 2025 йил 16 июнда ҳукм эълон қилиниб, у 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилингани, дастлаб у гумонланиб, Шаҳрихон туман ИИБга олиб келингани, ўша вақтда ИИБ ходимлари унга тегишли “Iphone 15 Pro” русумли уяли алоқа воситасини ҳимоя кодини ёзиб олишгани ва телефон аппарати олиб қўйилгани, телефонидаги мобил иловага уланган банк пластик картасида тахминан 20 млн. сўмга яқин пули бўлгани ва у 2025 йил 24 сентябрдан сўнг ушбу банк пластик картаси билан боғлиқ бирор бир амалиётларни амалга оширмагани, бироқ, 2025 йил 24 сентябрдан 21 октябрга қадар ушбу пластик картасидаги пул маблағлари турли мақсадларда фуқароларга ўтказилиб, талон-торож қилиб юборилгани маълум бўлгани, кейинчалик унинг пластик картасидаги пул маблағларини Шаҳрихон туман ИИБ ЖҚБ вакили лавозимида ишлаган И.Абдулазизов томонидан яширин равишда ўзига ўтказиб олиб, эҳтиёжларига ишлатиб юборгани маълум қилгани, судланувчи И.Абдулазизов моддий зарарни Андижон вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига тўлагани, ушбу пул маблағини унга қайтаришни, бироқ судланувчи И.Абдулазизовга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Мўйдинов судда, бир неча йиллардан Шаҳрихон туман марказида жойлашган Пайнет шохобчасида турли тўловларни амалга ошириш ва бошқа шунга ўхшаш вазифаларни амалга ошириш билан шуғулланиши, Шаҳрихон тумани ИИБ ЖҚБ ходимлари “Сарвар”, “Азиз”, “Жаҳонгир”, “Илхом”, “Мухаммадамин” ва бошқа ходимларни таниши, улар билан баъзи ҳолларда банк картаси орқали ўтказилган пулларни нақдлаштириб бергани, мижозлар асосан Авзалбек аканинг пластик карталарига пул маблағларини ўтказишиб беришгани, 2024 йил 12 октябрь куни эрталаб “Пайнет” шохобчасида ишлаб ўтирган вақтида ИИБ тезкор вакили И.Абдулазизов келиб, кечки пайт А.Якубовнинг картасига ўтказиб берган 2.100.000 сўм пулларни нақд пул шаклида олиб кетгани, пулларни шахсан ўзи И.Абдулазизовга бергани, ушбу пулларни И.Абдулазизов қайси картадан сурганлиги ва нима мақсадда олганлигидан уни хабари бўлмагани, бундан ташқари, 2024 йил 19 октябрь куни И.Абдулазизов унга қўнғироқ қилиб, А.Якубовнинг пластик картасига 500.000 сўм миқдоридаги пулларни ўтказиб қўйганлигини айтиб, шу куни “Пайнет” шохобчасида ушбу пулларни нақд пул кўринишида олиб кетгани, мазкур пулларни ҳам И.Абдулазизовга шахсан ўзи бериб юборгани, И.Абдулазизов илгари ҳам картадан пулларини нақдлаштириб олиб тургани, ўрганиш давомида “Пайнет” раҳбари А.Якубовнинг номига расмийлаштирилган пластик картага бир неча маротаба пул маблағлари ўтказилганлиги аниқлангани, ушбу пулларни И.Абдулазизов қайси картадан сурганлиги ва нима мақсадда олганлигидан уни хабари йўқлиги, жами 6.100.000 сўм миқдоридаги барчаси бўлиб 8.200.000 пул маблағлари ўтказилгани ва И.Абдулазизовни ўзи нақдлаштириб олиб кетгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Н.Абдувоҳидов судда, бир неча йиллардан буён устачилик яъни қурилиш таъмирлаш ишлари билан шуғулланиб келиши, шунингдек, 2015 йилда



“Шахрихон Стонес” ОК ни ташкил этиб, ушбу корхона “брусчатка” ишлаб чиқариш билан аҳолига хизмат кўрсатиши, 2024 йил тахминан июнь ойида уни иш жойига Шахрихон туман ИИБда ишловчи Ш.Маъмуров ўзи билан бирга ишловчи “Илхом”, яъни И.Абдулазизов билан бирга келишгани, шунда И.Абдулазизов унга Асака туманида жойлашган яшаш хонадонига ерга қоплама яъни брусчатка сотиб олишини, пулларини 3 ой муддатда бўлиб беришга келишиб ундан ушбу маҳсулотларни олгани, шундан сўнг, ундан жами бўлиб 7.092.000 сўмлик брусчаткаларни олиб, унга нотаниш бўлган ҳайдовчиларнинг автомашинасида олиб кетгани, орадан бироз вақтлар ўтганидан сўнг И.Абдулазизов уни олдига келиб брусчатка етмай қолганлигини, яна бериб туришини айтгани ва унга яна 2.476.000 сўмлик брусчатка маҳсулотларини бериб юборгани, И.Абдулазизов жами 9.568.000 сўмлик брусчатка маҳсулотларини олиб кетгани, сўнг, И.Абдулазизов ундан олган брусчаткаларни пулларини уни номига расмийлаштирилган “Ҳамкорбанк” Шахрихон филиалига тегишли бўлган пластик картасига ташлаб беришни бошлагани, 2024 йил 13 октябрь куни тушган 1.570.000 сўм миқдоридagi пулларни И.Абдулазизов яшаш хонадонига олган брусчатка маҳсулотлари учун ўтказиб бергани, ушбу пулларни ўтказмалари бўйича скриншот фотосуратларни муқаддам берган тушунтириш хатига илова қилгани, кейинчалик билишича ушбу сўнги маротаба ўтказилган 1.570.000 сўм миқдоридagi пуллар И.Абдулазизов томонидан бошқа ҳолатдан беҳабар бўлган шахсга тегишли бўлган банк пластик картадан ўтказилганини билгани, И.Абдулазизов билан пул олди бердиси бўйича қарздорликлар қолмагани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Якубов судда, гувоҳ М.Мўйдиновнинг кўрсатувида ўхшаш мазмунда кўрсатув берди.

Гувоҳ С.Мамасолиев судда, 2024 йил 25 сентябрдан бошлаб Шахрихон туман ИИБ ЖҚБ бошлиғи лавозимида ишлаб келиши, ҳақиқатан ҳам 2024 йил 24 сентябрь куни Андижон вилояти ИИБ ЖҚБ, ДХХ Шахрихон туман бўлими ҳамда Шахрихон туман ИИБ ЖҚБ тезкор вакиллари ҳамкорликда олиб борилган тадбир давомида Шахрихон тумани, “Найнаво” МФЙда “Мокрый” номли жиноий гуруҳ борлиги аниқланиб, ушбу ҳолат бўйича бир неча шахслар ушланиб, терговга қадар суриштирув ишлари олиб борилгани, жумладан ушбу шахслар қаторида шу гуруҳ раҳбари сифатида Ж.Анваров ҳам ушлангани, 2025 йил 25 сентябрь куни ИИБ ЖҚБ бошлиғи лавозимида буйруғи чиққанлиги боис Ж.Анваровга тегишли “Iphone 15 Pro” русумли телефон аппарати ИИБ ходимлари қай тартибда олинганидан хабари йўқлиги, И.Абдулазизовни фуқаро Ж.Анваровга тегишли бўлган банк пластик картасидан пул маблағларини ечиб олиб шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганидан хабари бўлмагани ҳақида кўрсатув берди.

- шунингдек, судланувчининг қилмиш айби жиноят ишининг 1-жилд 7-53-варақларидаги адвокат М.Фазиловнинг мурожаати юзасидан ўтказилган хизмат текшируви хулосаси, 54-варағидаги М.Фазиловнинг мурожаати, 59-60-варақларидаги пластик карталардан пул ўтказмалари тўғрисидаги маълумот, 156-159-варақларидаги ўрганиш маълумотномалари,



дастлабки тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи И.Абдулазизовнинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди, 206-моддаси 1-қисми билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандида, ўғрилиқ, яъни ўзганинг мол-мулкани такроран ёки хавфли рецидивист томонидан яширин равишда талон-торож қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

-Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 32-моддасининг 1-қисмидаги, ушбу Кодекс Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексида алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилиши, 3-қисмидаги, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Иш ҳужжатларига кўра, И.Абдулазизовнинг ҳаракати умумий қасд билан қамраб олиниб, ягона мақсадга йўналтирилган бўлиб, жабрланувчи Ж.Анваровга тегишли пластик картасидан бир нечта фуқароларнинг банк пластик карталарига ўтказиб, пулларни нақдлаштириб, яширин равишда талон-торож қилганлиги аниқланди.

Шунга кўра, судланувчи И.Абдулазизовнинг ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми «а» бандини чиқариб юборишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 206-моддасида, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиши, фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлганда жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб;

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги қарорининг

26-бандида, мансабдор шахсининг эгаллаб турган лавозими туфайли унга юклатилган хизмат мажбуриятларидан келиб чиқадиган вазифалари мансабдорлик ваколатлари ҳисобланиши;

28-бандида, мансаб ваколати доирасидан четга чиқишнинг (ЖКнинг 206-моддаси) асосий кўринишлари деганда:

1) мансабдор шахс томонидан бошқа шахсининг ваколати доирасига кирувчи ҳаракатларнинг содир этилиши;



2) мансабдор шахс томонидан фақат қонунда ёки қонун ости ҳужжатида кўрсатилган алоҳида ҳолатлар мавжуд бўлгандагина содир этилиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг содир этилиши;

3) коллегиял орган ваколатига кирувчи ҳаракатни мансабдор шахс томонидан яқка тартибда содир этилиши;

4) ҳеч ким ва ҳеч қандай ҳолатда амалга оширишга ҳақи бўлмаган ҳаракатларнинг мансабдор шахс томонидан содир этилиши ва бошқалар ҳисобланмоғи лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг VIII-бўлимида мансабдор шахс-доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс.

Яъни амалдаги қонунга кўра, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиққанлик учун жавобгарлик жабрланувчига нисбатан у ёки бу ваколатга эга бўлган мансабдор шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Иш ҳужжатларига кўра, И.Абдулазизов Шаҳрихон туман ИИБ ТҚХ ЖКБ тезкор вакили лавозимида ишлаб келиб, бевосита иш юритувига бириктирилмаган, жабрланувчи Ж.Анваровни пластик картасидаги пул маблағларни ахборот тизимига рухсатсиз кириб, яширин равишда талон-торож қилган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан И.Абдулазизовни жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 206-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиб, хатога йўл қўйганлигини эътироф этиб, судланувчи И.Абдулазизовни ҳаракатидан ушбу айблов эпизодини чиқариб юборишни лозим топади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, судланувчи И.Абдулазизовнинг қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимига кириб, ундаги Ж.Анваровга тегишли пластик картасидаги жами 18.446.000 сўм миқдоридagi пул маблағларини яширин равишда талон-торож қилиб, содир этган ўғрилиқ жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “б” банди билан квалификация қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида далилларнинг мақбуллигига қўйиладиган шартлар ҳамда далилларни номақбул деб топиш асослари юзасидан тушунтиришлар берилган.

Суд, ишдаги И.Абдулазизовни айблаш учун асос сифатида олинган далилларни тўплаш ва процессуал ҳаракатларни ўтказишга оид қоидалар ҳамда тартиблар юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя этилган ҳолда амалга оширилган бўлиб, далиллар мақбуллигига тааллуқли шартларнинг



бирон-бир талаби бузилмаган, уларни номақбул деб топиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиши лозимлиги, 57-моддасида суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда ЖК Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 6-бандида, судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарурлиги, бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 37-бандида ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш



сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олиш лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Судланувчи И.Абдулазизовнинг айбига иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, уйланмаганлигини, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддаси асосида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли ва паст ниятларда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддаси асосида жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, яъни оғир жиноятлар таснифига киришини, жабрланувчи қонуний чора кўришни сўраганлигини, шунингдек, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, уйланмаганлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми билан шу кодекснинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни ва уни зиммасига қўшимча чеклов (тақиқ)лар юклашни;

- ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил деб эътироф этилган ИИБ ШХББ Андижон вилояти бўйича бошқармаси томонидан ўтказилган хизмат текшируви хулосаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, “Рауме” АЖнинг алоқа хати ва илова ҳужжатлари, Андижон вилояти ИИБ ЖХХ ЖТСБнинг маълумотномаси, Андижон вилояти ИИБ Тергов бошқармасининг жиноят ишини ўрганиш юзасидан расмийлаштирилган маълумотномаси, РСТЭИАМ Андижон вилояти филиалининг суд-тиббий экспертиза хулосалари, “Coscom” МЧЖнинг алоқа хати, “Хамкорбанк” АТБ бошқармасининг алоқа хати ва илова ҳужжатлари, 1002-сонли ҳарбий қисмнинг 2025 йил 30 сентябрдаги 274988, 274989, 274980, 274977, 274984, 274986-сонли алоқа хатлари ва уларга илова қилинган ҳужжатларни жиноят иши ҳужжатларида қолдиришни;

- судланувчи И.Абдулазизов томонидан моддий зарарни қоплаш мақсадида Андижон вилоят прокуратурасининг “Ипотека банк” Андижон вилояти филиалидаги депозит ҳисоб-рақамига топширилган 18.130.000 сўм пул маблағларини жабрланувчи Ж.Анваровнинг яқин қариндошларига қайтаришни;

- жабрланувчи Ж.Анваровга бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида асосли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишларни судда юритиш тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб,

ҳ у к м қ и л а д и:

Абдулазизов Илхомжон Акрамжон ўғли (Abdulazizov Ikhomjon Akramjon o'g'li) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.



И.Абдулазизовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, уй жойни, ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки жойигача бориши ва уй жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда Асака тумани, “Бобур” маҳалла, Карвонсарой кўчаси, 132-уйдан чиқишни чеклашдан иборат 4 (тўрт) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

И.Абдулазизовни 2025 йил 28 июлдан 28 ноябрга қадар эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақланган 123 (бир юз йигирма уч) кунини Жиноят кодексининг 62-моддаси тартибида тайинланган озодликни чеклаш жазосидан чегирилиб, ўташ учун узил-кесил уй жойни, ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки жойигача бориши ва уй жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда Асака тумани, “Бобур” маҳалла, Карвонсарой кўчаси, 132-уйдан чиқишни чеклашдан иборат 3 (уч) йил 7 (етти) ой 27 (йигирма етти) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

И.Абдулазизовга қуйидаги қўшимча тақиқ (чеклов)лар юклансин:

- Асака тумани ИИБнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;
- Андижон вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.

Жазони ўташ муддати судланувчи И.Абдулазизов жазони ижро этиш пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Асака тумани ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

И.Абдулазизовга агар озодликдан чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги;

- озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

И.Абдулазизовга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Андижон вилоят прокуратурасининг “Ипотека банк” Андижон вилояти филиалидаги депозит ҳисоб-рақамига топширилган 18.130.000 сўм пул маблағларини жабрланувчи Ж.Анваровнинг яқин қариндошларига қайтарилсин.

Жабрланувчи Ж.Анваровга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчи Ж.Анваровга бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида асосли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишларни судда юритиш тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган ИИБ ШХББ Андижон вилояти бўйича бошқармаси томонидан ўтказилган хизмат текшируви хулосаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, “Рауме” АЖнинг алоқа хати ва илова ҳужжатлари, Андижон вилояти ИИБ ЖХХ ЖТСБнинг маълумотномаси, Андижон вилояти ИИБ Тергов



бошқармасининг жиноят ишини ўрганиш юзасидан расмийлаштирилган маълумотномаси, РСТЭИАМ Андижон вилояти филиалининг суд-тиббий экспертиза хулосалари, “Coscom” МЧЖнинг алоқа хати, “Хамкорбанк” АТБ бошқармасининг алоқа хати ва илова ҳужжатлари, 1002-сонли ҳарбий қисмнинг 2025 йил 30 сентябрдаги 274988, 274989, 274980, 274977, 274984, 274986-сонли алоқа хатлари ва уларга илова қилинган ҳужжатлар жиноят иши ҳужжатларида қолдирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, ўн сутка ичида, судланувчи, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида, иш апелляция тартибида кўрилмаган тақдирда қонуний кучга кирган ҳукм устидан кассация тартибида шикоят ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

З.Рахимов

Маъсул судья: Рахимов Зарифжон Ахмадович

